

**СУРХОН-ШЕРОБОД РАЙОНИДА ЕТАКЧИ ТУРКУМЛАР
ВЕДУЩИЕ РОДЫ ВО ФЛОРЕ СУРХАН-ШЕРАБАДСКОГО
РАЙОНА**

**LEADING GENERA IN THE FLORA OF THE SURKHAN-
SHERABAD REGION**

Н.Т. Ачилова - Жиззах политехника институти доценти

С.С.Дуйсенова – Мухтар Ауэзов номли Қозоғистон университети катта
ўқитувчиси

N. Achilova - Associate Professor of Jizzakh Polytechnic Institute

S. Duysenova – Senior teacher of Mukhtar Aueзов Kazakhstan University

Аннотация: Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг таксономик таҳлилида флора учун 66 оила 362 туркумга мансуб бўлган 802 тур тарқалганлиги аниқланди. Худуд флорасида жами 362 туркум бўлиб, ўртача битта туркумга 2,21тадан тур тўғри келади. Флорада полиморф туркумлар қаторига 9 тадан ортиқ турга эга бўлган 10 туркум олинган ва уларда 148 тур жамланган. Флорадаги етакчи туркумлар таҳлилига кўра, Ўрта Осиёдаги барча флоралардаги сингари *Astragalus* (38), *Cousinia* (19), *Allium* (17), *Euphorbia* (13), *Artemisia* (14), *Iris* 10), *Gagea* (10) ва бошқалар устунлик қилади. Мазкур флорада етакчи бўлган туркумлар сони умумий флоранинг 18,45 % тенг.

Калит сўзлар: Сурхон-Шеробод, ботаник-географик, флора, туркум, полиморф, *Astragalus*, *Cousinia*, *Allium*, *Euphorbia*, *Artemisia*, *Iris*, *Gagea*.

Аннотация: Таксономический анализ флоры Сурхан-Шерабадского ботанико-географического района выявил, что во флоре распространено 802 вида, принадлежащих к 66 семействам и 362 родам. Флора региона насчитывает 362 рода, в среднем по 2,21 вида на семейство. Во флоре из полиморфных родов получено 10 родов, насчитывающих более 9 видов, и в них включено 148 видов. По анализу ведущих семейств во флоре, как и

во всей флоре Средней Азии, *Astragalus* (38), *Cousinia* (19), *Allium* (17), *Euphorbia* (13), *Artemisia* (14), *Iris* 10), *Gagea* (10) и другие преобладают. Количество ведущих видов этой флоры составляет 18,45 % от всей флоры.

Ключевые слова: Сурхан-Шерабад, ботанико-географические, флора, род, полиморф, *Astragalus*, *Cousinia*, *Allium*, *Euphorbia*, *Artemisia*, *Iris*, *Gagea*.

Annotation: Taxonomic analysis of the flora of the Surkhan-Sherabad botanical-geographical region revealed that 802 species belonging to 66 families and 362 genera are distributed in the flora. The flora of the region includes 362 genera, with an average of 2.21 species per family. In the flora, 10 genera were obtained from polymorphic genera, numbering more than 9 species, and 148 species were included in them. According to the analysis of the leading families in the flora, as in the entire flora of Central Asia, *Astragalus* (38), *Cousinia* (19), *Allium* (17), *Euphorbia* (13), *Artemisia* (14), *Iris* 10), *Gagea* (10) and others prevail. The number of leading species of this flora is 18.45% of the total flora.

Keywords: Surkhan-Sherabad, botanical-geographical, flora, genus, polymorph, *Astragalus*, *Cousinia*, *Allium*, *Euphorbia*, *Artemisia*, *Iris*, *Gagea*.

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони маъмурий жихатдан Сурхондарё вилоятининг, Термиз, Шеробод, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Денов, Олтинсой ва Сариосиё туманлари ҳудудига тўғри келади.

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг таксономик таҳлилида флора учун 66 оила 362 туркумга мансуб бўлган 802 тур тарқалган. Ҳудуд флорасида жами 362 туркум бўлиб, ўртача битта туркумга 2,21тадан тур тўғри келади. Флорада полиморф туркумлар қаторига 9 тадан ортиқ турга эга бўлган 10 туркум олинган ва уларда 148 тур жамланган (1-жадвал). Флорадаги етакчи туркумлар таҳлиliga кўра, Ўрта Осиёдаги барча флоралардаги сингари *Astragalus* (38), *Cousinia* (19), *Allium* (17), *Euphorbia* (13), *Artemisia* (14), *Iris* 10), *Gagea* (10) ва бошқалар

устунлик қилади. Мазкур флорада етакчи бўлган туркумлар сони умумий флоранинг 18,45 % тенг.

Полиморф туркумлар етакчиси *Astragalus* туркуми. Мазкур туркум Тоғли Ўрта Осиёдаги барча маҳаллий флораларда турлар сони бўйича етакчилик қилади. Туркум вакиллари Тоғли Ўрта Осиё провинцияси ва Эрон флораларини ўзаро боғлаб туради. Ўрта Осиё флорасида 639 тури, Ўзбекистонда эса 268 тури тарқалган. СШБГР флорасида *Astragalus* туркумнинг 20 секциянинг 38 тури тарқалган бўлиб, умумий флоранинг 4,74% ташкил этади. Туркумнинг бу кўрсаткичи, Букантоғ флорасида ((Серекеева, 2011) 4,28%), Жануби шарқий Қизилкум қолдиқ тоғлари флорасидан ((Батошев 2016) 4,22%) кам эмас. Худудга кўшни бўлган, Бойсун ботаник-географик райони флорасида *Astragalus* туркумнинг 45 секцияга мансуб 101 тури тарқалган бўлиб, умумий флоранинг 6,45% ташкил этади [169; -120б.]. Бу ҳолат Тоғли Ўрта Осиёдаги бошқа флораларга нисбатан анчагина юқори кўрсаткич ҳисобланиб, тарқалган турлари тоғли флора элементи ҳисобланади. Помир-Олой тизмалари, жумладан Жануби-ғарбий Ҳисор округи *Astragalus* туркумининг автохтон турларига бойдир. СШБГРда туркумнинг *Ammodendron*, *Myobroma*, *Xiphidium*, *Alopecias*, *Oxyglottis*, *Eremophysa* каби секцияларининг турлари кенг тарқалган ва худудлар флораларини бир-бирига боғлаб туриш вазифасини бажаради.

Полиморф туркумлар спектридаги кейинги ўринни *Cousinia* эгаллайди. Туркумнинг 19 тури худудда учраши тадқиқотлар давомида аниқланди. Бу эса умумий флорани 2,36% ташкил этади, Жануби-шарқий Қизилкум қолдиқ тоғлари флораси билан қиёсланганда 18 тур ёки 2,30%, Бойсун ботаник-географик райони флорасидан бу кўрсаткич деярли икки баробар паст эканлиги кўринади. Мазкур туркум вакилларида *Cousinia platystegia*, *Cousinia spryginii* Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига

(2019) киритилган, *Cousinia platystegia* Кўҳитанг ҳамда худуднинг субэндем туридир[2].

Навбатдаги полиморф туркум *Allium* туркумнинг флорада 17 тури макон топган. Туркум турларининг Тоғлиўртаосиё провинциясидаги барча локал флораларида кенг тарқалган. Туркумнинг 10 тури Ўрта Осиёнинг тоғли қисми билан чегараланган, қолган 7 тури Эрон-ўртаосиё, Ҳимолойолди ареал типлари турлари. Туркумнинг *Allium rhodanthum*, *Allium fritschii* худуднинг эндемлари ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган [4]. *Allium nikolai* Сурхон-Шеробод ҳамда Бойсун, *Allium dolichomischum* Бойсун, Сангардак-Тўполанг ҳамда Сурхон Шеробод, *Allium margaritifera* Бойсун, Богботоғ ҳамда Сурхон-Шеробод субэндемларидир.

Навбатдаги полиморф туркумлар бири *Artemisia* туркуми. Флорада туркумнинг 14 тури қайд этилган. Мазкур туркумнинг турлари асосан ўсимликлар қопламида муҳим рол ўйнади. Шу билан бирга чорва моллари учун озуқа манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Флорада *Euphorbia* туркумининг 13 тури учрайди. Сўнгги йиллардаги айрим таксономик (*Chamaesyce* туркуми туларини *Euphorbia* туркумига ўтказилиши) ўзгаришлар натижасида мазкур туркумнинг полиморф туркумлар қаторидан ўрин олишига замин бўлган.

Навбатдаги полиморф туркумлар бири *Iris* Туркумнинг Шимолий Америка, Шимолий Африка, Евросиёда 270 га яқин тури тарқалган. Ўрта Осиёда учта: *Iris*, *Hermodactyloides*, *Scorpiris* туркумчалари мавжуд. Тоғли Ўрта Осиёнинг Помир-Олой ва Тиёншон тизмаларида туркумнинг 55 тури, *Scorpiris* туркумчасининг эса 30-32 тури макон топган. Тоғли Ўрта Осиёнинг Помир-Олой тизмалари туркумнинг вакилларига бойлиги ва уларнинг хилма хиллиги балан ажралиб туради. СШБҒР флорасида олиб борилган изланишларимизда туркумнинг 10 тури тарқалганлиги аниқланди. Мазкур 10 турдан 3 тур *Iris petri* F.O.Khass., Rakhimova &

Achilova, *Iris rudolphii* F.O.Khass., Esankulov & Achilova ҳамда *Iris victoris* F.O.Khass., Khuzhan. & Rakhimova бевосита олиб борган дала тадқиқотларимизда аниқланган ҳамда фан учун янги тур сифатида киритилган[5,6].

Флорада туркумларни таҳлили шуни кўрсатадики, *Astragalus*, *Cousinia*, *Allium*, *Iris* туркумлар турларининг ҳудудда кенг тарқалиши, Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси Ўрта Осиёнинг Тоғли минтақаси флораларига яқинлигини кўрсатади. Умумий олганда, флора полиморф туркумларининг спектри чўл флораси билан унча яқин эмас, чунки чўл флорасида ўзига хос бўлган элементлар мавжуд. Масалан: *Climacoptera*, *Salsola* ва бошқа туркумлар. Мазкур флора текислик ҳамда тоғли флорани ўзаро боғловчи ҳамда ўзига хос олажинсли мухитнинг шаклланганлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Папов В.А.. Ботанико-географическое районирование Узбекистана.//Ботанический журнал 2016,№10.
2. Хасанов Ф.О. Эндемичные растения юго-западных отрогов Гиссарского хребта//Узб.биолог.журн. 1990. № 3. С. 41-45.
3. Хасанов Ф.О. Флора Узбекистана том I - «Наврӯз» Ташкент 2017, С. 34
4. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби».– Тошкент: Chinor ENK,2009.Т.1.–86,178б.
5. F.O. Khassanov, U. Khuzhanazarov, N. Rakhimova, N.Achilova...**Two new species of Iris L.(Iridaceae Juss.) from Uzbekistan.** - Stapfia, 2013
6. F.O. Khassanov, N Rakhimova, N Achilova **“One More New Species of Iris L. from Uzbekistan”** Stapfia, 2013